
Ёшлар ҳар бир маҳалладаги фаол нурунийларга бириктирилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 мартдаги "Кекса авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-92-сон қарорига кўра, 2023 йил 1 апрелдан "Нуруний" жамғармасига давлат субсидиясини ажратиш тизими жорий этилади.

"Бир нуруний ўн ёшга масъул" тамойилига мувофиқ ёшлар ҳар бир маҳалладаги фаол нурунийларга бириктирилади.

"Нуруний ҳар бир оилага масъул" лойиҳаси асосида муаммоли оилаларнинг ҳар бирига "Кексалар маслаҳати" гуруҳларининг бир нафардан аъзолари бириктирилади.

"Бир нуруний ўн ёшга масъул" тамойили ҳамда "Нуруний ҳар бир оилага масъул" лойиҳаси асосида фаолият олиб борган ва ижобий натижаларга эришган нурунийларни "Нуруний" жамғармаси маблағлари ҳисобидан рағбатлантириб бориш тизими жорий этилади.

Маҳаллаларда фаолият юритаётган "Кексалар маслаҳати" гуруҳлари раҳбарлари ҳар чоракда БҲМнинг 2 баравари (600 минг сўм) миқдорида рағбатлантириб борилади.

Қува туман адлия бўлим бошлиғи Г.Қодирова

2023-03-26 20:50:45